



ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Фуломов Бахтиёржон Назиржон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси
319-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу аннотация орқали ушбу тушунчалар ёритилиб берилади яни ушбу талончилик жиноятини содир этилишини олдини олишда ҳамкорлик қилувчи органлар ва ўзини ўзи бошқарир органлари, шунингдек муассасалар келтирилиб ўтилган ва ушбу ҳамкорликни амалга оширувчи органлар қандай йўналишларда ўзаро ҳамкорликни тامينлашлари келтирилиб ўтилган.

Таянч тушунчалар: талончилик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, умумий профилактика.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, криминоген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилади, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда ушбу турдаги талончилик жиноятининг, балки иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига ҳам бир қанча сабаблар мавжудлигини ҳам кўришимиз мумкин. Уларга куйидаги бир қанча сабабларни келтириб ўтамиз;

- Республикамиз ҳудудида фуқароларнинг ишсизлиги
- Асосан вояга етмаганлар томонидан содир этилганда оиладаги носоғлом муҳитда ёшларнинг тарбияланиши
- Бошқа шахсларнинг салбий тасири
- Кундалик эҳтиёжларнинг осон йўллар билан қондиришга интилиш
- Ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги мана шу каби бир қанча сабабларни келтириб ўтишимиз ҳам мумкин.

Шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари томонидан талончилик жиноятларининг барвақт олдини олиш мақсадида жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда куйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- Талончилик жиноятининг хар йилги даврий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон бўлган омилларни аниқлаб керакли чора-тадбирларни амалга ошириш.



- профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фаоллари, тегишлича «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, диний уламолар, хотинқизлар кўмиталари вакиллари билан ҳамкорликда илгари талончилик ва ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бошқа жиноятларни содир этиб судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида манзилли тадбирларни уюштириб, мазкур тоифадаги шахсларнинг хонадонларига маҳаллий ҳокимият, диний уламолар, психологлар ва шу каби мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда мутахассислар билан биргаликдатошириш буюрган ҳолда уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмаклашиш чораларини кўриш

- профилактика инспектори томонидан хизмат ҳудудида маҳалла фаоллари, тегишлича «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, диний уламолар, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари билан ҳамкорликда махсус ўқув-семинар машғулотлари ташкил этиш, бунда спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи ёки гиёҳванд ва психотроп моддалар, инсон руҳиятига таъсир этувчи бошқа моддалар истеъмол қилувчи шахс сифатида ҳисобга олинган шахслар томонидан келгусида ҳар қандай турдаги жиноятлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш;

- профилактика инспектори томонидан хизмат ҳудудида маҳалла фаоллари, тегишлича «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, диний уламолар, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари билан ҳамкорликда махсус ўқув-семинар машғулотлари ташкил этиш, бунда спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи ёки гиёҳванд ва психотроп моддалар, инсон руҳиятига таъсир этувчи бошқа моддалар истеъмол қилувчи шахс сифатида ҳисобга олинган шахслар томонидан келгусида ҳар қандай турдаги жиноятлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш;

- профилактика инспектори томонидан хизмат ҳудудида маҳалла фаоллари, тегишлича «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, халқ таълими бошқармалари, диний уламолар, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари билан ҳамкорликда талончилик жиноятларининг барвақт профилактикаси бўйича «Орият», «Тун», «Давомат» каби махсус тадбирларни ҳар ойда камида бир маротаба ўтказиш, бунда мактаб ўқувчиларининг ўқув машғулотларига тўлиқ жалб этилишини таъминлаш, тунги вақтларда ёшлар ва вояга етмаганларнинг мақсадсиз юришлари каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек енгил табиатли аёлларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан тегишли профилактик ва тарбиявий таъсир чораларини кўришга асосий эътибор қаратиш;



- профилактика инспектори томонидан хизмат худудидаги мактаблар маъмурияти ва халқ таълими бошқармаси вакиллари билан ҳамкорликда тарбияси оғир, талончилик ва шу каби ўзгалар мулкани талон-торож қилишга мойил ҳамда тажовузкор вояга етмаганлар рўйхатини шакллантирган ҳолда уларга тарбиявий таъсирчан мураббийлар бириктириш, бунда ушбу тоифадаги вояга етмаганларни спорт-соғломлаштириш ва маънавий-маърифий тадбирларга жалб этишга асосий эътиборни қаратиш.

Умумий профилактика деганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича фаолияти тушунилади.

Шу нуқтаи назардан, талончилик жиноятларининг барвақт олдини олишда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари томонидан жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни ўтказиш учун ишлаб чиқиладиган режаларни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш кунини ўтказиш бўйича Намунавий дастур»да белгиланган тадбирлар бўйича шакллантириш ва ижрога йўналтириш;

- туман ИИО ФМБ бошлиғи томонидан тасдиқланадиган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни ўтказиш бўйича дастур ва режалар ижроси юзасидан мувофиқлаштирилган назоратни туман ИИО ФМБ Ташкилий бўлими орқали таъминлаш, мазкур дастур ва режаларда «профилактика куни» доирасида ўтказиладиган тадбирларга ўзгаларнинг мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикага доир чора-тадбирлар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

- худудий ички ишлар органлари томонидан талончилик жиноятларининг барвақт олдини олиш ва унинг профилактикасига доир йўл-хариталарини ишлаб чиқишда ўтган ҳисобот даврида шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг демографик хусусиятлари, жиноятнинг содир этилиши, вақти, жойи, энг кўп содир этилган ҳафта кунлари, ойлар, жиноятдан кўпроқ жабрланаётган шахслар қатламининг таҳлили орқали талончилик жиноятига қарши курашиш чора тадбирларини амалга ошириш шунингдек аҳоли ўртасида жиноятларнинг жиноятини олдини олиш бўйича қўшимча давра суҳбатлари ўтказиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларни амалга ошириш шунингдек вояга етмаганлар ўртасида жиноятларни олдини олиш бўйича ёшларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини



амалга ошириш ишларини белгилаб ўтишдан иборатдир.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга масъул субъектларни аниқ кўрсатган ҳолда умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикага доир чора-тадбирлар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

– соҳавий хизматлар, шунингдек уларнинг юқори турувчи органларидаги бўлинмалари ўртасида электрон ахборот айланишини таъминловчи локал тармоқни яратиш ҳамда қуйи тузилмаларда олиб борилаётган ҳисоботни бир вақтнинг ўзиде автоматик равишда юқори турувчи органлардаги тегишли бўлинмаларнинг электрон назорат варақаларида акс этишини таъминлайдиган имкониятни берувчи электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг оқибатлари акс этган реклама-ташвиқот воситаларини (плакатлар, баннерлар, стендлар ва шу кабиларни), биринчи навбатда, аҳоли гавжум бўладиган бозорлар, савдо марказлари, мактаблар ва шу каби жойларга ўрнатиш чораларини кўриш;

– туман ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан талончилик жиноятлари юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечиришдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш жараёнида ушбу жиноятнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш борасидаги фаолиятини қатъий назоратга олиш, бунда ушбу жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини баргараф этиш борасида масъул раҳбарларни ва аниқ чора-тадбирларни белгилаган ҳолда тақдимномалар киритиш, ушбу тақдимномаларнинг сифатли ижро этилишини назорат қилиш чораларини кўриш;

– содир этилган талончилик жиноятлари юзасидан кўриладиган жиноятишларини маҳаллалар, меҳнат жамоалари, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида ташкил этиладиган сайёр судларда кўриш ҳамда ушбу суд жараёнларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига намойиш этиб борилишини таъминлаш;

янги қабул қилинаётган қонунлардан аҳолини хабардор қилиб боришда уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва халқ тилида тушунтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда уларни қонунчиликка риоя этиш руҳида тарбиялаш ишларини мунтазам равишда олиб борилишини қатъий назоратга олиш;

– ҳудудий ички ишлар органлари томонидан талончилик жиноятларининг олдини олиш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар билан профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини мунтазам равишда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

– аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида



Ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтирган ҳолда фуқаролар билан психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишда диний уламолар, юристлар, психологлар иштирокини таъминлаш чораларини кўришдан иборат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон,
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т, «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2023.й
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасиданазоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрь қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. –№ 39. –341-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доирқўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 23-модда)